

ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ТАЙЁРЛАШДА ЧАҚИРИҚҚАЧА ТАЙЁРГАРЛИК ФАНИНИНГ МАЗМУНИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Хасанбоев Низомжон Валижонович

Осиё Халқаро Университети магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20265171>

Аннотация. Мазкур тезисда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш жараёнида чақириққача ҳарбий тайёргарлик фанининг ўрни ва мазмуний жиҳатлари таҳлил қилинган. Умумтаълим муассасаларида ўқитиладиган ушбу фан орқали ёшларда ватанпарварлик туйғуси, фуқаролик масъулияти, ҳарбий хизматга нисбатан онгли муносабат ҳамда жисмоний ва амалий тайёргарлик кўникмалари шакллантирилиши ёритилган.

Калит сўзлар: чақириққача ҳарбий тайёргарлик, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, ватанпарварлик тарбияси, фуқаролик бурчи, ҳарбий таълим, жисмоний тайёргарлик, ҳарбий-патриотик тарбия, миллий хавфсизлик.

СУЩЕСТВЕННЫЕ АСПЕКТЫ НАУКИ О ВОЕННОЙ ПОДГОТОВКЕ В КОНТЕКСТЕ ПОДГОТОВКИ МОЛОДЕЖИ К ВОЕННОЙ СЛУЖБЕ

Хасанбоев Низомжон Валижонович

Магистрант Азиатского международного университета

Аннотация. В данной тезисной работе анализируются содержание и значение учебной дисциплины «Допризывная военная подготовка» в процессе подготовки молодежи к военной службе. Рассматривается роль данной дисциплины в формировании у учащихся патриотического сознания, гражданской ответственности, осознанного отношения к воинскому долгу, а также практических и физических навыков.

Ключевые слова: допризывная военная подготовка, подготовка молодежи к военной службе, патриотическое воспитание, гражданский долг, военное образование, физическая подготовка, военно-патриотическое воспитание, национальная безопасность.

CONTENT ASPECTS OF THE PRE-CONSCRIPTION MILITARY TRAINING SUBJECT IN PREPARING YOUTH FOR MILITARY SERVICE

Khasanboev Nizomjon Valijonovich

Graduate student of Asia International University

Annotation. This thesis analyzes the content and significance of the subject "Pre-conscription Military Training" in preparing young people for military service. The study highlights the role of this discipline in developing patriotism, civic responsibility, a conscious attitude toward military duty, as well as physical and practical military skills among students.

Keywords: pre-conscription military training, youth preparation for military service, patriotic education, civic duty, military education, physical training, military-patriotic upbringing, national security.

Бугунги кунда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш давлат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Ушбу жараёнда умумтаълим

муассасаларида ўқитиладиган “Чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик” фани муҳим ўрин тутди. Мазкур фан ёшларда ҳарбий хизматга нисбатан онгли муносабатни шакллантириш, Ватан ҳимоясига тайёр фуқарони тарбиялашга қаратилган.

Чақириққача ҳарбий тайёргарлик фанининг мазмуни бир нечта асосий йўналишларни қамраб олади. Аввало, фаннинг ҳуқуқий-маънавий асослари орқали ўқувчиларга ҳарбий хизматнинг жамият ва давлат олдидаги аҳамияти, фуқаролик бурчи ҳамда ҳарбий қонунчилик ҳақида тушунчалар берилади. Бу эса ёшларда ватанпарварлик, фуқаролик масъулияти ва миллий ғурурни мустаҳкамлайди.

Иккинчи муҳим жиҳат — амалий-ҳарбий тайёргарлик ҳисобланади. Ушбу йўналиш доирасида саф тайёргарлиги, бошланғич тактик ҳаракатлар, жисмоний тайёргарлик ҳамда ҳарбий интизом элементлари ўргатилади. Бу орқали ёшларнинг жисмоний чидамлилиги, интизоми ва жамоада ҳаракат қилиш кўникмалари ривожланади.

Шунингдек, фан мазмунида ҳарбий-техник билимларга алоҳида эътибор қаратилади. Қурол-яроғларнинг умумий тузилиши, хавфсизлик қоидалари, фуқаро муҳофазаси ҳамда ғавқулдда вазиятларда ҳаракат қилиш қоидаларини ўрганиш орқали ўқувчиларнинг ҳаётий хавфсизликка оид билимлари кенгайди.

Умуман олганда, ҳарбий педагогика вазифаларини ҳал қилиш, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар кучини мустаҳкамлаш, замонавий педагогик фикрлашни шакллантириш манфаатларида инсон омилини фаоллаштириш йўллари излаш билан боғлиқ бўлиб, бошлиқлар, ҳарбий жамоаларда ижодкорлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро талабчанлик ва шахсий жавобгарлик муҳитини яратишда муҳим рол ўйнайди [1].

Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, чақириққача ҳарбий тайёргарликка ўхшаш фанлар кўплаб давлатларда фақат ҳарбий эмас, балки ижтимоий-психологик тайёргарлик воситаси сифатида ҳам қўлланилади. Масалан, ривожланган мамлакатларда бу фанлар орқали ёшларда етакчилик, масъулият, стрессга чидамлилик каби сифатлар шакллантирилади.

Чақириққача тайёргарлик фани ёшларни ҳарбий хизматга зарур бўлган жисмоний, маънавий ва маърифатли қобилиятлар билан таъминлашга қаратилган. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ёшларни давлат ва армия манфаатлари ҳақида хабардор қилиш;
- жисмоний тарбия ва спорт кўникмаларини ривожлантириш;
- ҳарбий ҳаётга ва жамоада ишлашга психология жиҳатидан тайёрлаш; - ватанпарварлик руҳини кучайтириш.

Чақириққача тайёргарлик фанининг мазмуни одатда бир неча йўналишдан иборат:

1. Жисмоний тайёргарлик - югуриш, сузиш, гимнастика, ёзувчи ва қўл ҳаракатлари машқлари, спорт ўйинлари. Бу қон айланишини яхшилаш, мускулларни ривожлантириш ва чўзувчанликни оширишга қаратилган.
2. Ҳарбий тайёргарлик ва асослари - ҳарбий қоидалар, қурол ва ҳарбий техника билан танишиш, оддий тактик билимлар.
3. Маълумот ва маърифат - ҳарбий хизматнинг аҳамияти, Ватан тарихидан мисоллар, ҳарбий қаҳрамонлар ҳақида маълумот.

4. Психологик ва ахлоқий тарбия - жамоада ҳамкорлик қилиш, интизомли бўлиш, стрессга чидамликни ривожлантириш.

Мамлакатимизда ҳарбий кадрларни тайёрлаш, уларнинг ҳарбий маҳоратини оширишга катта аҳамият берилмоқда [2]. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети Қуруқликдаги қўшинлар институти, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети Ҳарбий авиация институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети Ҳарбий тиббиёт институтларининг қайта ташкил этилиши давлат ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасига эътиборнинг янада кучайтирилиши билан боғлиқдир.

Чақириққача тайёргарлик фанини ўқитишда турли методлардан фойдаланилади. Улар орасида аввало теоретик дарслар борки, улар орқали умумтаълим мактаблари ўқувчиларига дастлаби ҳарбий хизматга тааллуқли билимлар берилади, қолаверса, савол-жавоб усулини қўллаш орқали ҳарбий хизматнинг асосий қоидалари тушунтирилади.

Ўзбекистон манфаатларини нафақат ҳарбий соҳада, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳимоя қилишга тайёр бўлиш, мамлакат учун фидойилик кўрсатиш – буни ёшлар онгига ҳаётини мисоллар ва самарали воситалар орқали сингдириш учун айнан чақириққача тайёргарлик фанининг мазмуний жиҳатларини тўғри англаш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади [3]. Шунингдек, фанни ўқитишда амалий машғулотлар ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, унда ёшлар спорт ва ҳарбий машқларни бажариш орқали жисмоний тайёргарликни мустаҳкамлайдилар.

Бундан ташқари, мазкур фанда тренинглари ва симуляциялар ҳам қўлланилади. Улар психологик тайёргарликни ривожлантириш, стресс ва қийин вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, чақириққача тайёргарлик ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда уларнинг қизиқишини оширади ва уларни стресс ҳамда қийинчиликларга тайёрлайди. Бу эса шахсий мустақиллик, масъулият ва интизомни кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, чақириққача ҳарбий тайёргарлик фани мазмуни ёшларни ҳарбий хизматга ҳар томонлама тайёрлашга хизмат қилади. Фаннинг мазмуний жиҳатларини замонавий педагогик ёндашувлар ва халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш ёшларнинг ҳарбий хизматга тайёргарлик даражасини янада ошириш имконини беради.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. С.М. Ибрагимов, “Ҳарбий педагогиканинг таълим жараёнидаги аҳамияти”, O‘zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 23-сон 2023 йил 20 октябр, 324-325 бетлар
2. М.М. Хуррамов, “Issues of organization of pre-service military training”, World Bulletin of Social Sciences (WBSS) илмий журналы, Vol. 3, October 2021 ISSN: 2749-361X, 173-бет

3. А.Т. Акбаров, М.М. Хажиев, Б.Х. Алижанов, “On Approval of the Concept of Education of Youth in the Spirit of Military and Patriotism”, Journal of Pedagogical Inventions and Practices илмий журнали, ISSN NO: 2770-2367, 2022 йил 7 октябр, 8-бет